

29

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

39  
(1149)  
26-sentabr

2014

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

## "InfoCOM 2014":

### БУГУНГИ ЛОЙИХАЛАР ЭРТАНГИ РАВНАҚ УЧУН



Хозирги кунда дунё мамлакатлари тараққиёти ахборот технологияларининг қай даражада жорий этилганлиги билан баҳоланяпти. Замонавий ахборот технологиялари давлат бошқаруви ҳамда бизнесни янги сифат bosқичига олиб чиқиб, таълим, билим ва ахборот олиш учун кенг имкониятлар тухфа этмоқда.

Соҳа юксалишига хизмат қиладиган қатор тадбирларни ўз ичига олган "InfoCOM 2014" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги АКТ мутахассислари ва мамлакатимизнинг кўп сонли ахборот технологиялари фойдаланувчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ҳафталик тафсилотлари, тадбирлардан репортажлар, интервьюлар, фотолавҳалар билан газетамиз саҳифалари орқали танишинг.

#### УШБУ СОНДА:

#### Сўнгги янгилик!

Microsoft компанияси мониторлар учун симсиз адаптер ишлаб чиқди. Microsoft Wireless Display Adapter деб номланган бу қурилма мультимедиа сигналларини узатувчи Miracast стандартига асосланган. Қурилма асосан кенг экранли мониторлар (HDMI мониторлар ва телевизорлар)га мўлжалланган бўлиб, сигнал манбаи вазифасини Miracastни қўлловчи исталган қурилма: Windows 8.1 амалий тизими ўрнатилган компьютер, Windows Phone 8.1 ёки Android платформасидаги смартфон ва планшетлар бажариши мумкин.



■ АКТ Саммит 2014	2
■ Веб-сайтлар: геометрик прогрессия	4
■ IX фестиваль "SPORT MOVIES & TV"	6
■ Энг яхши сайтлар голиблари	7
■ Имконият яратган имкониятлар	8-9
■ Барчамизнинг мураббийимиз	11



## Umadan Umagacha

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар вакилларига сайловчилар имзосини тўplash учун имзо варақалари берилди. Мазкур жараён сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилмоқда. Мамлакатимизда фаолият кўрсатётган барча сиёсий партиялар — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш истагини билдирди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Экологик ҳаракати, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда журналистларнинг масъулиятини кучайтириш каби қатор масалалар атрофлича муҳокама этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига бағишлаб ўтказилган анжуманда давлат органларининг маъмурий жавобгарликка оид қонун ҳужжатларини қўллаш фаолияти самарадорлигини янада ошириш, қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар хусусида фикрлашилди.

● Ўзбекистон давлат консерваториясида Корея Республикаси санъаткорлари иштирокида концерт бўлиб ўтди. Корея маданиятини ўзида акс эттирган мазкур дўстлик ва санъат кечаси Ўзбекистон давлат консерваторияси, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда "Beautiful Mind Charity" хайрия ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Жорий йилнинг 1-3 октябр кунлари Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтди. Аини пайтда мазкур халқаро анжуманга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Яқинда Самарқандда ушбу нуфузли тадбирга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



# АКТ Саммит 2014

## Ахборот-коммуникация технологиялари миллий саммити

"InfoCOM 2014" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида анъанавий тарзда ташкил этиб келинадиган АКТ Саммити соҳадаги энг сўнгги ютуқлар билан танишиш, хорижлик мутахассислар билан ўзаро алоқа ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва соҳа тараққиётига оид долзарб масалалар муҳокамасидан манфаатдор бўлган иштирокчиларни бир жойга жамлайди.

Саммитнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Хурийд Мирзахидов, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Стефан Приснер ва бошқалар алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлаб, мазкур саммит ўзаро тажрибалар билан ўртоқлашиш, АКТ соҳасини ривожлантиришнинг янги стратегияларини белгилаб олишда қулай имконият эканини қайд этиб ўтишди.

Тадбирда мамлакатимиз ва Жанубий Корея, Япония, Эстония,

**Стефан ПРИСНЕР,  
БМТ Тараққиёт  
дастурининг  
мамлакатимиздаги  
доимий вакили:**

— БМТ Тараққиёт дастури бир неча йиллардан буён Ўзбекистонда "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, АКТни татбиқ этишда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келямиз.

Истиқболли режаларга тўхталадиган бўлсам, шу кунларда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан янги ҳамкорлик дастури борасида келишувга эришдик. Ушбу дастур доирасида бизнес жараёнларни оптималлаштириш йўналишида ҳамкорликда иш олиб борамиз. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган очик маълумотлар стратегиясини татбиқ этишда амалий кўмак беришни режалаштирганмиз.

Беларус, Чехия, Кипр каби давлатлар ва халқаро ташкилотлардан 500дан ортиқ делегат иштирок этди. Улар орасида БМТ Тараққиёт дастури, Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик ташкилоти, KISA каби ташкилотлар, Microsoft, Softline International, LG каби жаҳоннинг етакчи компаниялари вакиллари борлиги тадбирнинг халқаро мавқеи юқори эканлигини далил беради.

Умумий йиғилишда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Алишер Файзуллаев "Ўзбекистонда АКТнинг ривожланиши" мавзусида маъруза қилди. Маърузачи соҳанинг сўнгги йиллардаги ривожланиш босқичлари, ҳуқуқий асослар, эришилаётган ютуқлар ҳамда истиқболдаги вазифалар ҳақида маълумот берди.

Шундан сўнг саммит ўз ишини "АКТ давлат секториди", "АКТ бизнесида" "Интернет ва ахборот ресурслари" каби шўбаларда давом эттирди. Йиғилишларда юқори технологиялар бозорининг етакчи экспертлари, давлат органлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз ва хориж IT-компаниялари раҳбарлари ҳамда мутахассислари ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларига жорий этишга доир долзарб масалаларни муҳокама қилди. IT-саноати стратегиялари ва уни ривожлантириш, технология ва инфратузилмаларни такомиллаштириш, янги илова ҳамда ечимлар ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонлик мутахассислар юртимизда "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш тажрибаси, миллий тармоқ бизнесини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида сўзлаб берган бўлса, ўз навбатида, Корея Республикасининг етакчи компаниялари ва ташкилотлари мутахассислари, БМТнинг электрон ҳукумат бўйича маслаҳатчиси ҳамда бошқа қатор мамлакатлар делегатлари ўз тажрибалари, таҳлиллари билан ўртоқлашдилар. Томонлар иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш ва янги истиқболли лойиҳаларни амалга оши-

**Ким Дэ Хун,  
Жанубий Кореянинг  
LG CNS компанияси  
президенти:**

— Мамлакатингизда юқори технологиялар соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани соҳани янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Шу йилнинг июн ойида Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари куни ташкил этилиб, унинг яқунларига кўра, бир қатор меморандумлар имзоланганди. Унда ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва қўшма бизнес лойиҳаларини ривожлантиришга келишиб олинганди. Келишувлар бугундан оқ ўз натижасини кўрсатмоқда. Куни кеча "Электрон ҳукумат" тизими учун дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этилди.

"LG CNS" компанияси Корея ҳукумати IT-инфратузилмасида йирик лойиҳаларни амалга оширади ва мамлакат "Электрон ҳукумат" тизими ташаббусида асосий иштирокчи ҳисобланади.

риш учун инновацияларни жалб этиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Саммитда Жанубий Корея делегатлари кенгайтирилган таркибда иштирок этганини алоҳида қайд этиш лозим. Улар ахборот-коммуникация технологияларини давлат секторидида қўллаш борасида эришилган ютуқларга бағишланган қатор маърузалар билан қатнашдилар.

Саммит Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда "ICTNEWS" нашри ҳамкорлигида ташкил этилди.





# ICTExpo 2014 – замонавий ютуқлар намойиши

**Т**ошкент шаҳри, "Кўргазма савдо маркази", 2014 йил 24-26 сентябр. Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.Мирзахидов, Жанубий Кореянинг LG CNS компанияси президенти Ким Дэ Хун, Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик ижроия қўмитаси бош директори Н.Муҳитдиновлар сўзга чиқишди. Таъкидландики, кўргазманинг нуфузи ва аҳамияти жуда юқори бўлиб, маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади, намойиш этилаётган истиқболли лойиҳалар маҳаллий юқори технологиялар бозори раванқида муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда қарийб ўн йилдан буён ўтказиб келинаётган ICTExpo кўргазмаси халқаро IT соҳаси, тадбиркорлик доиралари, илм-фан ҳам-жамияти томонидан юқори баҳоланмоқда. Шу ўтган давр кўргазма давлат ҳокимияти органлари, банк, таълим, тиббиёт соҳалари, илм-фан ҳамда тадбиркорлик ва ишбилармонлик доираларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги ифодасига айланганини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, ICTExpo ахборот технологияларининг энг замонавий ютуқлари намойиш этиладиган нуфузли майдон, соҳа мутахассислари учрашадиган, фикр алмашадиган аҳамиятли тадбирдир.

ICTExpo 2014 кўргазмаси, анъанага кўра, тармоқли кўринишда бўлиб, бир вақтнинг ўзида Тошкент, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ташкил этилди ва ўтган йиллар давомида мамлакатимизнинг барча вилоятларини қамраб олишга эришилди. Бу эса ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича минтақавий даражанинг жадал ўсиб бораётганини кўрсатади.

Жорий кўргазмада "Электрон ҳукумат" йўналиши бўйича технология ва хизматларни намойиш қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Кўргазма давлат органлари учун аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига интерактив хизматлар кўрсатишда янада самарали усуллардан бохабар бўлиш имконияти демакдир. Мазкур тадбир давлат бошқаруви органлари вакилларининг кўргазма мобайнида электрон ҳукумат тизимини жорий қилиш бўйича аниқ таклифлар билан бевосита танишиши, режалаштирилган лойиҳаларни амалга оширишда зарур билим ва малака олиши, ҳамкорларни



танлашига қулай имконият эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

ICTExpo 2014 кўргазмасида, умуман олганда, маҳаллий ҳамда халқаро ахборот технологиялари бозорининг 150га яқин етакчи компаниялари томонидан соҳада кўрсатилаётган хизматлар, замонавий технология ва ишланмалар намойиш этилди. Жумладан, компьютер техникасини йиғувчи корхоналар, дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилар, интернет-провайдерлар, мобил алоқа операторлари, телекоммуникация ускуналарини етказиб берувчилар, рақамли телевидение, телефон ва почта хизмати кўрсатувчилар, вазирликлар, идоралар, банк ва бошқа муассасалар вакиллари томонидан тайёрланган ранг-баранг стендлар мутахассис ва меҳмонларни жалб этди.

Диққатга сазовор жиҳати, йилдан-йилга кўргазмада қатнашаётганлар сони билан бир қаторда, унда тақдим этилаётган маҳсулот ва хизматлар салмоғи сифати ошиб борапти. Шу ўринда биргина Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари ICTExpoда 45 хил дастурий ишланмаси билан қатнашганини таъкидлаш кифоя.

Ўтган йили ICTExpo 2013га 35 мингдан зиёд таширф кузатилганди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, еттидан етмишгача — барчани қамраб олиш бобида ахборот технологияларининг олдида тушадигани йўқ, шу боис бу йилги кўргазма янада гавжум бўлиши аниқ. Албатта, бунда кўргазма ҳомийлари, ташкилотчи ва қатнашчиларнинг ҳиссаси катта — турли кўнгилочар тадбирлар, ўйинлар, лотереялар, энг асосийси, охириги чиққан компьютер ва мобил қурилмаларни шунчаки томоша қилибгина қолмасдан, бевосита фойдаланиб яқиндан танишиш имконияти оҳанрабодек кучга эга.

**Жавоҳир ЙЎЛДОШЕВ,**  
"UzdigitalTV" компанияси мижозлар бўлими ходими:

— Мамлакатимизда аналоглидан рақамли телевиденига ўтиш юқори суръатда давом этапти. Шунга яраша фойдаланувчиларимиз сони мунтазам ошяпти, кузатишлар эса нафақат ТВ-каналлар сонига, балки уларнинг сифатига ҳам талаб юқорилигини кўрсатапти. Айти пайтда компаниямиз томонидан тақдим этилаётган ва бугунги кўргазмада намойиш этилаётган ТВ-тюннер ана шу талаблар асосида ишлаб чиқилган. Унга HD-форматдаги тасвирни қабул қилиш, флеш-хотирадан фойдаланиш, телекўрсатувлар вақтини белгилаш имкониятлари киритилган. Яна бир аҳамиятли томони, бу тюннернинг универсаллигидир, уни мини-компютерга ўхшатиш мумкин, масалан, интернетга уланса, битта экранда иккита ТВ-канални кўрсата бўлади.

Ҳозиргача хорижий телеканалларни кўрсатиш имконияти-ми Тошкент шаҳри радиусида чекланиб қолаётганда, келгуси йилдан вилоятлар миқёсида ҳам бу хизматни йўлга қўйиш режамизга киритилган.

**Фирдавс АЛИЕВ,**  
"Telecom Innovations" қўшма корхонаси директори:

— Қўшма корхонамиз 2009 йили Ўзбекистон-Сингапур-Хитой мамлакатлари ҳамкорлигида Навоий эркин индустриал иқтисодий зонасида ишга туширилган. Ўтган йилларда орттирилган тажриба маҳсулотларимиз хилма-хиллигида ҳам аксини топмоқда. Чунончи, бу йилги миллий ахборот технологиялари кўргазмасида корхонамизда ишлаб чиқарилаётган 15 турдаги телекоммуникация қурилмаларини намойиш этияпмиз. Шулардан энг сўнгги ишлаб чиқарилганлари Home Gateway ва IPTV Set-Top-Box қурилмалари ҳисобланади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам интерактив телевидение хизмати кўрсатишда катта рол ўйнайди ва аввалги қурилмалардан бирмунча афзалликлари бор.

**Алишер ТОҶИЕВ,**  
TATU магистри:

— Тошкент ахборот технологиялари университети ICTExpo 2014 кўргазмасида 45та дастурий маҳсулотли билан қатнашяпти. Шундан 31та ишланма университет томонидан, қолганлари филиалларимиз томонидан тақдим этилган.

Сир эмас, ҳозир ижтимоий тармоқларнинг энг фаол фойдаланувчилари ёшлар ҳисобланади. Биз таклиф этаётган GAPIM мессенжери айнан юртдошларимиз учун — мулоқот, фикр алмашиш учун миллий майдон ҳисобланади.

Маълумки, хорижда тайёрланган баъзи компютер ва мобил ўйинлар болаларга турли салбий таъсирлар билан бирга, уларнинг билим олиши иштиёқини ҳам сўндириб юборяпти. Шундан келиб чиқиб, уй шаронтига мўлжалланган, болаларнинг билим олишга иштиёқини оширадиган ўйинларни ишлаб чиққанмиз. Турли ёш тоифаларига қараб инглиз тили, математика ва ҳоказо йўналишларда Android ва iOS амалий тизимларини қўллайдиган мобил қурилмаларда ишловчи интерактив ўйинлар таклиф этилмоқда. Масалан, университет магистри Умид Аҳмадов талқинидаги "2048" ўйини болаларнинг математик қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Айти пайтда интернетга жойланган бу ўйинни кўчириб олишлар сони 150 мингтадан ошганининг ўзиёқ мамлакатимизда миллий дастурий ечимларга талаб катта эканини исботлайди.





## Xalqaro haqot



◆ **ФРАНЦИЯ**нинг собиқ президенти Николя Саркози мамлакатини қутқариш ва инқироздан олиб чиқиш учун сиёсатга қайтмоқчи. Бу ҳақда у TF1 телеканалига берган интервьюсида айтиб ўтди. "Франция вайрон бўлмоқда, мен уйда ўтириб, ўз халқини ташлаб кетишим керакми? Мен ўзимни халоскор деб, аҳмоқона гаплар айтиш ниятим йўқ. Юртим менга берганларини қайтаришим керак. Мен ҳам хато қилганман, ўзимни ҳаммасини тўғри қилгандек кўрсатаётганим йўқ. Аммо, мен Ёлгон гапирмаганман", — дейди Саркози.

Хабарда ёзилишича, собиқ президент Франциянинг Ироқдаги ҳарбий кампаниялардаги иштирокини қўллаб-қувватламоқда. Аммо, Франциянинг амалдаги президенти Франсуа Олланднинг Россияга нисбатан етарлича қаттиқ муносабатда бўлмаётганини танқид қилди.

◆ **ГАРБИЙ АФРИКА**да Эбола вирусининг олдини олиш гуруҳи вакиллари бўлган тажовуз оқибатида саккиз киши ҳаётдан кўз юмган. Улар орасида уч нафар оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам бўлган. Фожеа гуруҳ вакиллари маҳаллий аҳолига Эбола вируси билан зарарланишининг оқибатлари ҳақида тушунтираётган вақтда содир бўлган. Улар ваҳшийларча ўлдирилган.

Айни дамда ушбу қотилликни ким амалга оширгани ва бундан кўзланган мақсад аниқланмаган, суриштирув ишлари давом этмоқда.

◆ **ДУБАЙ**нинг Palm Jumeirah суъвий оролида сотилган энг қиммат вилла баҳоси 16 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Жорий йилнинг иккинчи чорагида ушбу оролда вилла олди-сотди келишувлари миқдори 60 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Харидорларнинг аксариятини нақд пул билан тўлашга тайёр Россия, Эрон ва Ҳиндистон фуқаролари ташкил этади.

◆ **АФФОНИСТОН**да расман президент деб эълон қилинган Ашраф Ғани Аҳмадзай 29 сентябр куни Қобулдаги президент саройида қасамёд қабул қилади. Унинг сайловлардаги рақиби Абдулла Абдулла, икки томон келишувига кўра, мамлакат бош бошқарувчиси бўлади. Бу Абдулла учун махсус таъсис этилаётган лавозим. Абдулла сайловда мағлуб бўлганини тан олишни хоҳламагани учун икки номзод воситачилар ёрдамида мамлакатни бирга бошқаришга келишиб олди.

Сайлов комиссияси якуний натижаларни ҳали эълон қилмади, аммо айрим маълумотларга кўра, Ғани 55 фоиз, Абдулла эса 45 фоиз овоз тўплаган.

◆ **ШВЕЙЦАРИЯ**нинг UBS банки ва Wealth-X консалтинг фирмаси буюртмасига биноан ўтказилган тадқиқотдан маълум бўлишича, жорий йилда дунё миллиардерлари сони 155 нафарга кўпайиб, 2355 нафарга етган. Улар ихтиёридаги активларнинг умумий қиймати 7,3 триллион долларга тенг. Миллиардерлар сони бўйича етакчилик Европада тегшли — 775 нафар. Шимолий Америкада — 609, Осиёда эса 560 нафар миллиардер бор.

◆ **АҚШ** давлат котиби Жон Керри Шимолий Кореядаги инсон ҳуқуқлари бузилишини қоралади ва Пхеньяни "ваҳшийлик ва файринсонийлик" ҳукм сураётган жазо колонияларини ёпишга қақирди. Бу ҳақда у Япония, Жанубий Корея ва Австралия ташқи ишлар вазирлари билан БМТ Бош Ассамблеясида бўлиб ўтган учрашувда маълум қилган.

## АЛОҚА ОЛАМИДА

# Веб-сайтлар: ГЕОМЕТРИК-ПРОГРЕССИЯ

Netcraft компанияси таҳлилларига кўра, сентябр ойига келиб, интернетда ишлаб турган сайтлар ва блоглар сони илк маротаба 1 миллиардлик довондан ўтди ва жами 1 022 954 603тани ташкил этди. Бу бир ой олдингидан 31 миллионга кўп хост эвазига амалга ошди.

Компания мутахассислари таъкидлашича, илгари ҳеч қачон "бир миллиардлик йўл" босиб ўтилмаган. Шуниси диққатга моликки, компания вакиллари шу таҳлилдаги ҳисоботларини юритишни бошлаган 1995 йилда "1 миллиард" рақами ҳатто тасаввур ҳам қилинмаган. Негаки, ўша йили интернетдаги веб-сайтлар сони атиги 18 957та бўлган, бироқ орадан икки йил ўтиб, 1997 йили сайтлар сони 1 миллионга етди, ойига ўн минггаб сайтлар интернет ҳамжамияти сафини тўлдирди бошлади.



Netcraft таҳлилчилари 1997 йили бошланган сайтлар сонининг кўзиқорин янглиг кўпайиш жараёни ҳозир ҳам, гарчи жорий йилда бир оз сусайган бўлса-да, давом этаётганини таъкидлашмоқда. Қолаверса, уларнинг айтишича, рейтинг мунтазам тайп-сквоттер саҳифалару сохта доменлардан тозалаб бориляпти.

Бугунги кунда Глобал тармоқдаги сайтларнинг жуда катта қисми — 71 фоиздан зиёди Microsoft IIS, Apache Httpd, шунингдек, Nginx веб-сервер-

лари бошқарувида.

Microsoft IIS мутлақ етакчи бўлса, веб-хостинг бозорида Apache устунликка эга, гарчи нисбатан оз улуш (14 фоиз)га эга бўлса ҳам, Nginxда сўнгги етти йилда ўсиш суръати энг юқори.

Жорий йил бошларида интернетни мувофиқлаштирувчи ICANN ташкилоти янги домен зоналари (.deals, .auction, .yandex, .city, .media ва ҳ.к.)га рухсат берганди, бу эса интернет ҳамжамияти сафини янада кенгайтириши тайин.

### Android:

#### автоматик шифрлаш

Androidнинг янги талқинларида шифрлаш автоматик тартибда ишга тушади. Фойдаланувчилар ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Google компанияси шу ишга қўл урди.

Фойдаланувчилар маълумотларини шифрлаш имконияти Androidда 2011 йилда амалга оширилган бўлиб, уларнинг калитлари қурилманинг ўзида сақланади. Агарда шифрлаш функцияси ишга туширилса, на Google, на бошқа провайдер фойдаланувчининг смартфондаги маълумотларга kira олмайди.

### Хайр, Европа!

Samsung Европа ноутбуклар бозорини тарқ этади, жумладан, Windows амалий тизими базасидаги ноутбуклар ҳамда Ativ хромбуклари сотилиши тўхтади.

Компания буни минтақада компьютерларга талабнинг камайиб кетганлиги билан изоҳлади.

С.ТЕМИРОВ тийёрлади.

## Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"CELL TELECOM ENGINEERING" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.):

- кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига 2012 йил 3 апрелда берилган АА серияли 0004021 рақамли;

- кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2011 йил 19 сентябрда берилган АА серияли 0003843 рақамли лицензияларнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2014 йил 15 августдаги 10-1410/13628-қарорига асосан юқоридаги лицензияларнинг амал қилиши 2014 йил 15 августдан;

"CHUST ALGORITHM" масъулияти чекланган жамиятининг (Наманган вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳўқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2011 йил 23 февралда берилган АА серияли 0003532 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2014 йил 23 сентябрдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳўқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганликлари учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатларини бузганликлари сабабли:

"MASSIVE DYNAMICS" хўсусий корхонасининг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2013 йил 6 сентябрда берилган АА серияли 0004783 рақамли;

"ELLIKQAL'A MAXALLIY TELEVIDENIESI" (Қорақалпоғистон Республикаси) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2013 йил 6 сентябрда берилган АА серияли 0004786 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2014 йил 24 сентябрдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.



# BestSoft Uzbekistan 2014

## Миллий дастурий маҳсулотлар форум-кўргазмаси

InfoCom 2014 ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигини 22 сентябр – душанба куни пойтахтимиздаги Ешлар ижод саройида ташкил этилган "BestSoft Uzbekistan 2014" миллий дастурий маҳсулотлар форум-кўргазмаси очиб берди.

### Форум

Форум-кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари А.Файзуллаев сўзга чиқиб, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг юқори суръатларда, барқарор ўсишида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатининг ўрни юқори эканини таъкидлаб ўтди.

Маълум қилинганидек, 2012–2013 йилларда миллий дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари сони 20 фоиздан 50 фоизга ошгани сўнгги йилларда импорт ўрнини босувчи миллий софтвер маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсиб бораётганини

кўрсатмоқда. Аини пайтда Ўзбекистон софтвер саноатида 320дан зиёд компаниялар фаолият юрляпти. Ўз навбатида, дастуриларни қўллаб-қувватлаш борасида мунтазам чоратадбирлар амалга ошириляпти.

Президентимиз томонидан 2013 йилнинг 20 сентябрида имзоланган "Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу йўлдаги навбатдаги муҳим қадам бўлди. Қарор асосида ишлаб чиқилган Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар муздатда барча турдаги солиқлар ҳамда маж-

бурий ажратмалар тўлашдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳужжатлари, дастурий таъминот воситаларига бож тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинди.

Мазкур имтиёзлар орқали орттирилган маблағлар дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари ходимларини рағбатлантириш, моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилиши кўзда тутилган.

Форумда дастурий таъминот ишлаб чиқувчилари муайян йўналишлар, хусусан, "Дастурий таъминот ишлаб чиқиш саноатида бизнес ва тадбиркорлик", "Бизнес жараёнлари самарадорлигини оширишда дастурий таъминотдан фойдаланиш", "Коммуникация бошқарув тизимларида дастурий таъминот", "Веб-дастурлаш: муваффақиятли лойиҳалар тажрибаси" каби мавзуларда тақдимот ва муҳокамалар бўлиб ўтди.

Жонли мулоқот тарзида ўтказилган форум ўзаро тажриба алмашиш, соҳада мавжуд эҳтиёжни ўрганиш, муаммоларни бартараф этиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

### Кўргазма

Марказий Осиёдаги энг йирик "BestSoft Uzbekistan" дастурий маҳсулотлар кўргазмаси, саккиз йилдири, кенг жамоатчилик ва АКТ соҳаси мутахассисларини мамлакатимизда дастурий таъминот воситаларини яратиш ва қўллаш амалиёти, миллий дастурий таъминот саноатини ривожлантириш истиқболлари билан атрофлича таништириб келмоқда.

"BestSoft Uzbekistan 2014" кўргазмасида элликка яқин экспонент ўз ишланмаларини намойиш қилди. Кўргазма форумида таъкидланганидек, мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчи компаниялар сони ўсгани алоҳида таъкидга сазовор. Бу ҳолат кўргазма стендларида ҳам яққол сезилиб турди: бу изланувчи стартап-компаниялар мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларида фаолият юритишни бошлаган компаниялар қаторини тўлдирибгина қолмасдан, муносиб рақобат тугдиришмоқда. Эътиборли жиҳати, жаҳон АКТ саҳнида амалга ошаётган энг сўнгги янгиликлар уларнинг ишланмаларида ҳам аксини топяпти. Энг муҳими, кўргазмадан ўрин олган алоқа, таълим, тиббиёт, божхона, солиқ, молия, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, барча соҳаларга йўналтирилган онлайн ва мобил технологиялар, дастурий маҳсулот ва хизматларнинг афзаллиги ўзимизда ишлаб чиқилгани бўлса, яна бир жиҳати, уларнинг амалиётда кенг татбиқ этиляётганидир.



Музаффар БОБОЖОНОВ,  
"YURIDA NYSA" МЧЖ менежери:

— Кўргазма меҳмонларига ўзимиз ишлаб чиққан икки компьютер дастурини тақдим этидик. "YURIDA" — ҳуқуқий ахборот тизимидан мамлакатимизнинг қонун ва кодекслари, халқаро ҳужжатлар, Президент фармон, фармойиш ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси фармойиш ва қарорлари, Олий Мажлис, Олий суд ва шу каби бошқа юқори органларнинг 50 мундан ортиқ ҳужжатлари тўпланган.

"YURIDA-ORFO" эса ўзбек тилида кирилл ва лотин алифбосида ёзилган матнлар хатосини толувчи дастур ҳисобланади. Уни компьютерингизга ўрнатсангиз, хатоларга тўғри сўзларни топишдан ташқари, интернетга уланмасдан туриб ҳам сўзларнинг изоҳини кўрсатади, матнни лотинчадан кириллчага ёки аксинча ўгиради, хуллас, компьютерда ўзбек тилида ишловчилар учун ҳақиқий мададордир. Бунинг исботи сифатида унинг базасига 300 миллиондан ортиқ сўз киритилганини айтишининг ўзи kifоя.

Мухаммадқосим МАМАСИДОВ,  
"TETRASOFT" илмий-ишлаб чиқариш фирмаси бош директори:

— Компаниямиз 12 йиллик фаолияти давомида Ўзбекистон ахборот технологиялари бозоридан муносиб ўрин эгаллади. Асосан корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ва ҳўжалиқ ҳисоботини автоматлаштириш бўйича ишланмалар чиқарамиз, қолаверса, веб-илова ва дастурлар, веб-сайтлар, локал компьютер тармоқларини ўрнатиш, компьютерларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланамиз. Утган йили "YANGI INTELLEKT-2013" танловида "Энг яхши дастурий маҳсулотлар" номинациясида 1-ўринга сазовор бўлган "Божхона қонунчилигининг бузилишлари" автоматлаштирилган ахборот тизими ҳам айнан компаниямиз мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Давлат божхона қўмитаси фаолиятида қўл келяпти.

Алишер ҲАМПОЕВ,  
ТАТУ Дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш маркази илмий ходим-изланувчиси:

— Стендимизда нафақат университет изланувчилари, қолаверса, вилоят филиалларимиз талаба-дастурчилари ҳамда ёш дастурчиларнинг ишланмаларига жой ажратилган. Ана шундай ишланмалардан бири мураккаб ва катта ҳажмли жараёнларни параллел равишда компьютерларга тақсимлаган ҳолда бажариш бўйича технология бўлиб, уни ўзи хос суперкомпьютерга қийслаш мумкин. Оптик толали интернет воситасида бу технология учта университет компьютерларини боғлашда синовдан ўтказилди ва натижаси эканини кўрсатди.

Хабарингиз бор, мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ТАТУ Қарши филиалида Дастурчиларни тайёрлаш маркази очилган. Бугунги кўргазмадан филиал талабаларининг икк меҳнат маҳсули: дўконларда ҳамда дорихоналарда савдо ҳисобини юритиш дастурлари, Smart Dictionary — андроид платформасида ишловчи интерактив луғат каби ишланмалари намойиш этиляпти, ўйлайманки, улар кўпчиликда қизиқиш уяғотади.



# Выставка информационных технологий

В Гулистане прошла традиционная национальная выставка информационных технологий "IctExpo 2014".



НЕДЕЛЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

24-26  
сентября

Ежегодная национальная выставка информационных технологий

## ICTEXPO 2014

На организованном в связи с этим мероприятии отмечалось, что уделяемое под руководством Президента Ислама Каримова особое внимание развитию информационно-коммуникационных технологий даст свои высокие результаты.

На выставке с участием предприятий и организаций, оказывающих населению услуги мобильной связи, информационные, телекоммуникационные и интернет-услуги, предпринимателей и ответственных сотрудников государственных органов были представлены новая техника и технологии в телекоммуникационной сфере.

В последние годы и в Сырдарьинской области расширяется использование информационно-телекоммуникационных технологий во всех сферах. Постановление главы государства "О мерах по дальнейшему развитию Националь-

ной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан" от 27 июня 2013 года служит важным руководством к действию в этом направлении.

В области в соответствии с этим документом были построены 32 современные электронно-цифровые станции типа MSAN. Внедренная система помогла кардинально улучшить качество связи, в несколько раз увеличить объем оказания населению интерактивных услуг. Налажена система оказания населению различных государственных услуг по принципу "одно окно", приема налоговой и другой статистической отчетности в электронной форме.

УзА



## IX Международный фестиваль "SPORT MOVIES & TV"

С 14 по 16 сентября этого года в Ташкенте в доме Кинематографистов состоялся очередной IX Международный фестиваль "SPORT MOVIES & TV" — "Спорт в кино и на ТВ". Данный фестиваль является отборочным для представления фильмов-призеров на Итальянский международный фестиваль "SPORT MOVIES & TV", в Милане, он ежегодно проводится Международной федерацией FICTS Federation Internationale Cinema Television Sportifs, организованный в 1982 году при поддержке Олимпийского комитета.

Программа Ташкентского IX Международного фестиваля состояла из конкурсных, внеконкурсных фильмов и телевизионных программ НТРК Узбекистана, внеконкурсных зарубежных фильмов, а также из ретропоказов лучших фильмов-участников предыдущих фестивалей.

В конкурсе приняли участие и получили награды в разных номинациях фильмы:

"Ёшлар ва спорт" — ("Молодёжь и спорт") — 5 мин. 46 сек., 2014 г. (ОДМ "Камолот" РУз телеклуб "Бунёдкор"), "Ўзбек жанг санъати" ("Тотальная защита") — 2-я часть 58 минут, 2014г. (Центр развития восточных единоборств и боевых искусств Республики Узбекистан), и другие достойные участники фестиваля.

Среди которых и документальный фильм "Наука и спорт в моей жизни", получивший награду фестиваля в номинации "Дебют" — автором идеи, режиссером, а так же оператором которого является студент 4-го курса Талгат Гимранов, а художественным руководителем данной работы является заведующий кафедрой Батыр Базарбаев.

Герой фильма — профессор физической культуры ТУИТ, футболист, тренер, научные интересы которого связаны с использованием новейших информационных технологий в спорте.

Свой фильм — курсовую работу Талгат создавал при поддержке университета на кафедре "Системы телестудии и приложения". Данная кафедра готовит специалистов в области кино и телевидения, а именно кинооператоров и инженеров специального освещения и с каждым годом копилка наград кафедры пополняется.

Ш.САТТОРОВА,  
ассистент кафедры "Системы телестудии и приложения"

## В Ташкенте налажен выпуск LED-телевизоров "Samsung"

На столичном совместном предприятии "Zenith Electronics" совместно с южнокорейской компанией "Samsung Electronics" налажено производство LED-телевизоров под брендом "Samsung".



По словам начальника цеха по сборке готовой продукции СП Р.Каюмова, на данный момент производственные мощности позволяют выпускать до 400 телевизоров с диагональю 32 дюйма в день. В будущем планируется увеличить мощности до 500 штук в день, а диагональ — до 40 дюймов. В целом, к 2017 году количество выпускаемых на предприятии телевизоров должно составить более 75 тысяч — такова максимальная производственная мощность.

В целях реализации проекта СП "Zenith Electronics" инвестировало около 3 млн. долларов США.

## Определились

победители чемпионата Узбекистана по e-спорту Zo'r-Zo'r UCG 2014 по игре Dota AllStars

20 сентября в столичном клубе Lis.net прошел национальный финал чемпионата Узбекистана по e-спорту Zo'r-Zo'r UCG 2014 по командной игре Dota All Stars. Восемь команд из числа победителей региональных отборочных турниров оспаривали медали в этом командном виде соревнований.

По итогам национального финала победителями стали:

1 место команда VVV в составе: Нахимбеков Бобур, Олимов Сардор, Мирзабабаев Рустам, Кадыров Тимур, Файзиев Кайрат.

2 место команда Исир в составе: Комилов Шох-

рух, Байрамов Вугар, Кучкаров Тимур, Сагатходжаев Шохжахон, Балтаходжаев Шерали.

3 место команда GGFly в составе: Алижанов До-ниер, Ибрагимов Бобур, Бекназаров Тимур, Шамсидинов Абдували, Худойбердиев Амаль.

Напомним, что более 120 команд со всего Узбекистана принимали участие в этом году в региональных отборочных турнирах по игре Dota All Stars.

Церемония награждения победителей чемпионата Zo'r-Zo'r UCG 2014 состоится 27 сентября в киноконцертном зале Zarafshon.

Победители и призеры турнира получат медали чемпионата и призы от компании Beeline.

● ОБЪЯВЛЕНИЕ!

## ООО "САМИНТЕХКОМ"

оказывает следующие услуги:

● Установка автомобильного газобаллонного оборудования европейского качества IV поколения (EPICA, SAPTIVA, LACETTI, COBALT, NEXIA II, ISUZU всех модификаций).

● Техническое обслуживание и выдача свидетельств для регистрации в ДПС.

Оплата по перечислению и пластиковой картой.  
Только у нас самые низкие цены. Экономьте свои деньги.

г.Самарканд. Тел: +99893 333-04-26; +99893 333-04-35.

Свидетельство № 04558



# Энг яхши сайтлар ғолиблари

АКТ ҳафталиги доирасида Миллий UZ домени интернет-фестивали ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Бу йилги фестивал дастури 10 мавзули ва иккита махсус номинацияни ўз ичига олди. Тақдирлаш маросимида ҳар бир номинацияда ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда фестивал совринлари тақдим этилди.

**Фан ва таълим**  
соҳасида энг яхши сайт

1-ўрин [www.ziyouz.uz](http://www.ziyouz.uz)  
2-ўрин [www.22-school.uz](http://www.22-school.uz)  
3-ўрин [www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)

**ОАВ соҳасидаги**  
энг яхши сайт

1-ўрин [www.anhor.uz](http://www.anhor.uz)  
2-ўрин [www.daryo.uz](http://www.daryo.uz)  
3-ўрин [www.iiike.uz](http://www.iiike.uz)  
3-ўрин [www.uz24.uz](http://www.uz24.uz)

**Давлат бошқаруви**  
соҳасидаги энг яхши сайт

1-ўрин [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)  
2-ўрин [www.lex.uz](http://www.lex.uz)  
3-ўрин [www.mchnat.uz](http://www.mchnat.uz)

**Энг яхши тематик сайт**

1-ўрин [www.bank.uz](http://www.bank.uz)  
2-ўрин [www.uzbaby.uz](http://www.uzbaby.uz)  
3-ўрин [www.oilam.uz](http://www.oilam.uz)

**Маданият соҳасида**  
энг яхши сайт

1-ўрин [http://museum.kr.uz](http://http://museum.kr.uz)  
2-ўрин [www.art-blog.uz](http://www.art-blog.uz)  
3-ўрин [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)

**Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш**  
соҳасидаги энг яхши сайт

1-ўрин [www.kliniki.uz](http://www.kliniki.uz)  
2-ўрин [www.salusvita.uz](http://www.salusvita.uz)  
3-ўрин [www.med.uz](http://www.med.uz)

**Тармоқ сервислари**  
соҳасидаги энг яхши сайт

1-ўрин [www.bozor.uz](http://www.bozor.uz)  
2-ўрин [www.esavdo.uz](http://www.esavdo.uz)  
3-ўрин [www.click.uz](http://www.click.uz)



**Энг яхши корпоратив сайт**

1-ўрин [www.slavyanka.uz](http://www.slavyanka.uz)  
2-ўрин [www.tps.uz](http://www.tps.uz)  
3-ўрин [www.smartlab.uz](http://www.smartlab.uz)  
3-ўрин [www.ipotkabank.uz](http://www.ipotkabank.uz)

**Сайёҳлик ва минтақавий-ўлка-**  
шунослик соҳасида энг яхши сайт

1-ўрин [www.samcity.uz](http://www.samcity.uz)  
2-ўрин [www.jz.uz](http://www.jz.uz)  
3-ўрин [www.ibt.uz](http://www.ibt.uz)

**Энг яхши шахсий саҳифа**

1-ўрин [www.nasimov.uz](http://www.nasimov.uz)  
2-ўрин [www.xushnadbek.uz](http://www.xushnadbek.uz)  
3-ўрин [www.photobrothers.uz](http://www.photobrothers.uz)

**Спорт соҳасидаги энг яхши сайт**

1-ўрин [www.pakhtakor.uz](http://www.pakhtakor.uz)  
2-ўрин [www.manutd.uz](http://www.manutd.uz)  
3-ўрин [www.sports.uz](http://www.sports.uz)

**"Фестивал янгилиги"**  
махсус номинацияси

1-ўрин [www.anhor.uz](http://www.anhor.uz)  
2-ўрин [www.redpen.uz](http://www.redpen.uz)  
3-ўрин — берилмади

**Шунингдек, ҳар бир номинацияда энг кўп хост тўплаган 12 сайт WWW.UZ совринларини қўлга киритди:**

Muz.uz  
Lex.uz  
Daryo.uz  
Apteka.uz  
e-tarix.uz  
tps.uz  
Uz-Translations.uz  
Player.uz  
Topmusic.uz  
Islom.uz  
Stadion.uz  
Fcb.uz

Бу йил фестивал доирасида мобил иловалар ишлаб чиқарувчи ком-

паниялар ҳамда Facebook тармоғидаги фаол ҳамжамият саҳифаларига ҳам рағбатлантирувчи дипломлар топширилди:

■ "Global Solutions" компанияси — "Ўзбекистон аҳолиси учун энг яхши мобил иловалари ишлаб чиқувчиси".

■ "Brand.uz" компанияси — "Энг яхши мобил иловалари ишлаб чиқувчиси ва Ўзбекистонда мобил иловалари учун энг яхши ўқув курслари".

■ "SSD Software Solutions" компанияси — "Энг яхши ихтисослашган мобил иловалари ишлаб чиқувчиси" махсус номинация ғолиби.

■ Рағбатлантирувчи диплом — Facebook ижтимоий тармоғида Ўзбекистонликлар учун энг фаол ҳамжамиятлар; <https://www.facebook.com/groups/Potrebitel.Uz>.

■ Рағбатлантирувчи диплом — Facebook ижтимоий тармоғида Ўзбекистонликлар учун энг фаол ҳамжамиятлар; <https://www.facebook.com/groups/xplaces>

Шунингдек, Muloqot.uz ижтимоий тармоғи маъмурияти фестивал ташкилотчилари билан ҳамкорликда Muloqot.uz тармоғининг энг фаол уч нафар фойдаланувчилари: Сабина Шарафутдинова, Илҳом Ганиев ва Абдуваҳоб Алимовни "Энг фаол "Мулоқот"чи" махсус совринлари билан тақдирлади.

## "MIT.UZ" миллий интернет танлови



"Туркестон" саройида "InfoCOM 2014" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида Ёшлар ўртасида "MIT.uz" миллий интернет танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

"MIT.uz" миллий интернет танлови мамлакатимиз ахборот ресурслари ва сервисларини яратиш ҳамда ривожлантириш, ёшлар учун мўлжалланган, шунингдек, ахборот ма-

даниятини шакллантиришга кўмаклашадиган сифатли интернет лойиҳаларини омма алаштириш, хавфсиз интернет маконини таъминлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, ёш веб-дизайнер ҳамда дастурчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, интернетда ёшлар сегментини янада кенгайтиришга қаратилган.

Жорий йилда танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 1300 нафарга яқин ёшлар қатнашди. Танловга ижодий ишлар билан бир қаторда қарийб 300 интернет-сайт, 800 ариза — фотосуратлар, видеороликлар ва фотоколлекциялар ҳам тақдим этилди. Шуниси эътиборлики, танлов қатнашчиларининг 80 фоиздан зиёди талабалардир. Тақдим этилган сайтларнинг 60 фоиздан ортиғи шу йил ишга туширилган.

Танловга келиб тушган 1300дан ортиқ ижодий ишларнинг энг яхшилари тўққизта асосий ва учта кўшимча номинация бўйича танлаб олинди. "Ўзбекистоннинг бой маданияти, санъати, тарихи ва мустақиллик ғоясини акс эттирадиган энг яхши сайт", "Маҳалла, қишлоқ ва шаҳарнинг энг яхши фотосурати", "Ўзбек мумтоз шеърини ва адабиётини тарғиб қилувчи ва ёшлар иштирокида тайёрланган энг яхши ролик", "Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятини акс эттирувчи энг яхши сайт", "Энг яхши янгиликлар сайти", "Фойдаланувчилар фикри бўйича энг яхши сайт" ва бошқа номинациялар бўйича учтадан совриндор аниқланди.

Тадбир доирасида иштирокчилар ва ғолибларнинг юздан ортиқ фотосурати, шунингдек, ёш дастурчиларнинг энг яхши веб-ишланмалари ва дастурий таъминоти кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Миллий интернет танлови ғолиб ва совриндорларига диплом ва мукофотлар топширилди.

АКТ ҳафталигига доир материалларни Л.ТУРСУНОВ ва С.АҲАДОВлар тайёрлашди



**Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!**



**Жаҳонга маълуми машҳур Самарқанд шахри ва вилояти доимо хорижлик меҳмонлар тез-тез ташриф буюрадиган гўша ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Самарқанд таниб бўлмас даражада ўзгарди – улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу эзгу ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Жаҳон андозасидаги меҳмонхоналар, ўқув юртлари бинолари, маиший хизмат уйлари, аҳоли тураржойлари, равион ва кенг йўллари кўриб кўз қувнайди. Қадимий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва замонавий кўркем бино-иншоотлар ўзаро уйғунлашиб кетганки, бу сайёҳларни ўзига мафтун қилиб келмоқда. Айниқса, тунги Самарқанднинг чиройи кўнгиллари чароғон айлайди.**

**ҲАР КИМГА ИЛМИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ ИЖОД ЭРКИНЛИГИ, МАДАНИЯТ ЮТУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНДИ.**  
**ДАВЛАТ ЖАМИЯТНИНГ МАДАНИЙ, ИЛМИЙ ВА ТЕХНИКАВИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАДИ.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси IX боб, 42-модда.



**Назokat МАҲМУДОВА,**  
 филиал касоба уюшмаси кўмитаси раиси:

# ИМКОНИЯТ ЯРАТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Албатта, яратилган бу шарт-шароитлар кишида мамнунлик, фахрлиниш туйғуларини уйғотиш билан бирга, вилоятда хизмат кўрсатиш даражаси ҳамisha юқори суръатда бўлишини талаб қилади. Бунинг учун самарқандликлар сингари "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали ишчи-ходимларини мутахассислари ҳам чуқур англаган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Филиалда жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида кўзга кўринarli, қувонса арзийдиган бир қанча ишлар амалга оширилди.



**Насим ЖАЙСАНОВ,** филиал директори:  
 — Корхонамиз томонидан бажариладиган ишлар ҳали жуда кўп. Бунинг учун англаган жамоамиз бор имкониятларни ишга солган ҳолда бирдамлик билан янада сермаҳсул меҳнат қиладилар.

Маълумки, мижозларга сифатли телекоммуникация, интернет хизматлари кўрсатиш соҳа ривожига муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам филиал раҳбарияти белгилаб олган режаларда тараққиётга эришишнинг мана шу жиҳатларига устувор вазифалар сифатида эътибор қаратмоқда. Вилоятда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шаҳарлараро коммуникация марказларини янги авлод тармоқ технологияси асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш, ФТТх бўйича кенг қамровли форматда фойдаланиш имконини берадиган оптик тармоқларни ривожлантириш ва бошқа йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жадал киришилган.

Жумладан, ФТТх абонентлари сонини ошириш мақсадида Самарқанд шаҳар Спитамен шўхчасида янги қурилган иккита кўп қаватли бинога оптик толали алоқа линияси тортилди ва иккита 24 портли (жами 48 порт), Тойлоқ туманида 24, Жомбой туманида 24, Нуробод туманида ҳам 24 портли оптик коммутаторлар фойдаланишга топширилди.

Ургут туманидаги Янгигазор ҳудудига ўрнатилган телефон станцияси учун марказий АТСдан Чорраҳа станциясигача ер ости канализацияси орқали 2,6 км. узунликда оптик толали кабел ётқизилди, Чорраҳа станциясидан Янгигазор станциясигача 5,3 км. оптик толали кабел, 91та симёғоч янгидан тикланиб, ҳаво линияси орқали ҳашар йўли билан қуриб битказилди. Қисқа муддатда Янгигазор ҳудудидан туман ҳокимлиги қарори асосида жой ажратилиб, станциянинг янги биноси қурилиб, ишга туширилди.

Чорраҳа даҳасидаги станцияда бўш турган RSP (Хуавей) 608 портли абонент полкаси учун филиал лабораторияси томонидан талаб даражасида мосламалар тайёрланди ҳамда тест-си-



Ходимлар бўлими етакчи муҳандиси Юлдуз ҲАҚБЕРДИЕВА ҳамда муҳандис Мадина МАВЛОНОВАлар иш устида.

нов ишлари бажарилиб, 48 портли интернет қурилмаси ишга туширилди.

Ургут туманида Испанза ва Чорраҳа телефон станциялари иккита 6 кВт.ли бензоагрегат билан таъминланди. "Ягона ойна" сотув марказига IPTV хизматларини реклама қилиш мақсадида замонавий йирик форматдаги телевизорлар ўрнатилди.

Каттақўрғон туманидаги Кадан маҳалласида 608 портли, полкаси 416 симили ва 192 портли интернет қурилмалари фойдаланишга топширилди. Туман марказида реконструкция ишлари олиб борилиши муносабати билан эски телефон канал ва магистрал кабеллар демонтаж қилинди. Сигим сонини ошириш мақсадида талабга кўра, бошқа боғламаларга ўрнатилган тартибда тарқатилди. АТС хонасида ҳаво ҳароратини бир маромда ушлаб туриш учун янги кондиционер ўрнатилди.

Оқдарё туманининг янги намунавий уйлар қурилган Пулатдархон массиви аҳолисининг алоқа хизматларига бўлган талабларини қондириш мақсадида ушбу ҳудудга оптик толали кабел тортилиб, ҳашар йўли билан ички линиялар қурилди ва NGN технологияси асосида ишлайдиган мини MSAN қурилмаси фойдаланишга топширилди. Маз-

кур ишлар натижасида алоқа сифати оширилишига эришилди. HOST марказий станциясини доимий электр таъминоти билан таъминлаш мақсадида ДГА-48 дизел агрегати ўрнатилди. Шунингдек, 455-АТС жойлашган хона кондиционер билан таъминланди.

Булунгур туманининг Мингчинор, Килдон, Олқартепа, Амир Темур, Чўянтепа ва Истиклол қишлоқ станцияларига реасосида оптик толали алоқа линияси тортилди, рақамли узатиш тизимлари оптик толали алоқа линияси орқали ишлатилди ҳамда ушбу барча станцияларда интернет қурилмалари ишга туширилди. Бу билан мижозлар талаби

тўлиқ қондирилди. Самарқанд туманидаги Кавола телефон станциясига боғловчи линия сифатида 2,6 км. оптик толали кабел тортилди ва 196 портли концентратор ускунаси ўрнатиш орқали абонентларга интернет, IPTV хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.

Самарқанд филиалининг шаҳар, туман телекоммуникациялар боғламалари фойдаланиш сиғими 2014 йил 1 сентябр ҳолатига ҳисобот бўйича 40774тани, биллинг ҳисоботи бўйича 29987тани ташкил қилади. 3848та телефон нуқталари қайта тикланди.

DSLAM қурилмалари ва ADSL модемларидан унумли фойдаланиш ташкил этиш бўйича 2014 йил 1 январ ҳолатига 10084та порт монтаж қилинган, 4100та портдан фойдаланилган бўлса, 2014 йил 1 сентябр ҳолатига монтаж қилинган портлар сони 13228тани ташкил этди, фойдаланилаётган портлар 7536тага етказилди. Интернетга уланган абонентлар сони 3436тага кўпайган.

Компания томонидан берилган 65та, бундан ташқари, яна 85та телефон қудуқ қопқоқлари боғламаларга тақсимланди ва жойларда махсус ижарачилар кабеллари ўтган қудуқларга ўрнатилди.

Филиал қошида кабелларни таъмирлаш участкаси ташкил қилиниб, тўлиқ иш қуроли билан таъминланди, жойларда асосан магистрал кабелларни таъмирлаш ишлари олиб борилаётир.

Тармоқни кенгайтириш, мавжуд телекоммуникация воситаларидан оқилона фойдаланиш натижасида аҳил жамоанинг бирдамлик билан қилган меҳнати натижасида

филиалнинг йил бошига нисбатан асосий хизматдан даромади 3,1 баробарга оширилди. Интернет хизматидан тушган даромад эса 138 миллион сўмдан ортиқни ташкил қилди.

Корхонада бундай ишларни амалга оширишда филиал техник директори Абдуалим Ражаббоев, электралоқа бўлими бошлиғи Шамсиддин Иброҳимов, Каттақўрғон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Хусан Қодиров, Пастдарғом туман телекоммуникациялар боғламаси боши Комил Ҳазратов, Оқдарё туман телеком-



Ҳисоб-китоб бўлими ходимлари янги ишни режалаштирмоқдалар.

муникациялар боғламаси бошлиғи Зоир Отақулов, кабел участкаси бошлиғи Абдусалом Шавқиев, ишлаб чиқариш лабораторияси ишчиси Ҳасан Исломов, автомобил бошқарувчиси Рустам Турсуновларнинг хизматлари катта.

Имконият имкониятлар туғдиради, деганларидек, сифатли хизмат кўрсатиш учун ходимларга ҳар томонлама қулай меҳнат шартонлари яратиш зарур. Шу боис ҳам ички имкониятлар ишга солинган ҳолда филиалнинг маъмурий биноси, жумладан, том қисми, ички қисми — мажлис залли, ходимлар бўлими, биллинг маркази, қурилиш бўлими, ҳисобчилар бўлими, касоба уюшмаси хонаси ва бошқа шу каби хоналар замон талабига мос равишда қайта таъмирланди ҳамда янги мебеллар билан жиҳозланди.

Самарқанд, Булунгур, Жомбой туман телекоммуникациялар боғламаларининг икки қаватли маъмурий бинолари фасадлари ва том қисмлари қайта таъмирланди, фасад қисмига "Ўзбектелеком"нинг ягона бренди асосида рекламалар ўрнатилди.

Каттақўрғон шаҳар ва Нарпай туман телекоммуникациялар боғламаларида "Ягона ойна" сотув марказларини барпо этиш ишлари олиб бориляпти.

**Сўз — филиал мутахассисларига**

**Жумакул АБДУЛЛАЕВ,**  
 филиал ишлаб чиқариш лабораторияси бошлиғи:

— Юқорида баён этилган ишлар билан бир қаторда, бугунги кунда Имом ал-Бухорий зиёратгоҳида DSLAM қурилмалари ва ADSL модемлари ўрнатилиб, ишга туширилди. 2014-2015 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида Пастдарғом, Пайариқ, Пахтачи туман телекоммуникациялар боғламалари марказига ҳамда Даҳбед шаҳарчасидаги АТСга захира аккумуляторлар ўрнатилди.

**Муҳаммади САМАДОВ,**  
 филиал қурилиш бўлими бошлиғи:

— Корхонамиз раҳбарияти ва мутахассислари томонидан бу йил қурилиш соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Бундан кейин ҳам йил охиригача Самарқанд туманидаги Оқмақот қишлоғига 1024 рақамли MSAN автомат телефон станциясини ўрнатиш, Жомбой туманининг Ҳақиқат, Хурият қишлоқ АТСларигача замонавий оптик толали кабеллар ётқизиш режалаштирилган. Мақсади — халқимизнинг арзон ва қулай телефон алоқасига ҳамда IPTV хизматларига бўлган талабларини тўла қондиришидир.

**Аброр ҲОЛИҚОВ,**  
 филиал бош ҳисобчиси:

— Филиалда ҳисоб-китоб ишлари ИС замонавий компютер дастури асосида олиб борилади. Дастур орқали филиалимизнинг барча шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари ягона тармоққа уланган. Боғламаларда амалга оширилаётган барча ҳисоб-китоб ишлари филиалнинг ҳисоб-китоб бўлимида кўриниб туради. Бу билан бугунги кунда олдинги даврлардагидек қоғоз билан ҳисоботлари амалга оширишга чек қўйилган.



SHUKRONALIK

Пойтахтимизда "Миллий интернет-журналистикани ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзuida республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

## Ҳаққонийлик ва холислик

Интернет журналистикасининг ривожда муҳим аҳамиятга эга

Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Анжуман Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларига онлайн тарзда узатилди.

Сўнгги пайтларда интернет журналистикасига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Талаб ҳам шунга яраша: интернет орқали халққа тақдим этилаётган маълумотлар қанчалик тўғри ва холислигига жиддий эътибор қаратилиши лозим.

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали мажлислар залида тўғридан-тўғри онлайн анжумани кузатиб борганларнинг ҳам эътибори ана шу масалаларга қаратилди. Семинарда таъкидланганидек, миллий журналистика соҳасида фаолият юритаётган ходимларнинг етарли да-



ражада билим олиши, иш тажрибасини ҳар доим ошириб бориши, ўз касбининг моҳир устаси бўлиши, керак бўлса ҳар қандай саволларга тўлақонли ва ҳаққоний жавоб бера олиши, ҳеч қайси давлатнинг ОАВдан қолишмаган ҳолда медиа маконида холисона курашиши лозимлиги тренинг иштирокчилари томонидан қайд этилди.

— Семинарда кўтарилган масалалар ОАВ ходимларида яхши таассурот қолдирди, — дейди "Хорезмская правда" газетаси мухбири Латофат Сайилханова. — Соҳамизда олиб борилаётган ислохотлар келажак учун ҳам фойдалидир. Биз қанчалик тажрибамизни ошириб борсак, шунчалик ўзимизга бўлган ишонч, қатъиятлилиқ ортаверади. Ҳар бир эфирга узатилаётган маълумот қанчалик холислик билан ёритилса, у шунчалик кучга эга

бўлади. Шахсан ўзим газетамизда бераётган ахборотларимга ўта жиддийлик билан ёндашаман. Чунки, бу хабарни бутун Хоразм аҳли ўқийди.

Соҳада кадрларни тайёрлаш, уларнинг касбий кўникмаларини ошириш, қайта ўқитиш, интернет нашрига янгича ёндашишни замон талаб этмоқда. Тармоқда фаолият юритаётган ходим уч тилда, яъни инглиз, рус ва ўзбек тилларида бемалол мақола ёза олма мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, интернет нашрларини чет эл ОАВ ходимлари ҳам кўздан кечириб боради.

Тадбирда интернет журналистикасининг маҳаллий сегментини ривожлантириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Нилуфар ЖАББОРОВА,  
"Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

## Ҳавас қилган етар муродга

Ўртбўшимиз раҳнамолигида халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни кўриб, ҳамisha хайратланардик.

Бу борада зарурий меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилганлигидан ҳам, Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳаётга жорий қилишга киришилганидан ҳам беҳад қувонган эдик.

Қарантки, ўзимиз ҳам бир кун келиб шундай намунали, умрбод мерос қилиб қолдириладиган барча зарур инфратузилма объектлари бўлган янги массивларда яшашимиз етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган эди. Ҳавас қилган етар муродга, деганлари айти ҳақиқат экан. Энг улуг, энг азиз шодиёнамиз — Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида янги ҳовлига кўчиб ўтдик. Бамисоли бошимизга бахт қуши кўнгандек — жажжи болажонларимизнинг кенг, ёруғ уйда, баҳаво ҳовлида эмин-эркин ўйнаб юришганидан кўнглимиз осмонлар сари юксалди. Бу воқеа Соғлом бола йилида юз бергани икки ҳисса қувонтирди. Ўзи бахтиёр оила эдик — бахтимиз янада тўқис бўлди. Бу учун минг-минг қатла шуқрлар айтсак арзийди. Бундан бир-бир ярим йил муқаллам турмуш ўртоғим — "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали бош мутахассиси Жаҳонгир Турсунов "Онаси, намунали уй-жойларда яшасак қанийди, деганди. Шу орзуимиз рўёбга чиқади, шекилли. Ишхонамизда ёш оилалар қатори мени ҳам кредитга, намунали уй оладиганлар қаторига кириштирибди" деганди, ростки, қулоқларимга ишонмагандим. Наҳотки!

Мана янги, шарт-шароитлари шаҳарниқидан қолишмайдиган уйда яшашимиз. Эртанги кунга ишончимиз мустаҳкам. Тотув ҳаётимизга фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, тўй-тантаналар қилиб юртга ош бериш каби ширин орзулар кириб келди. Биз бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдоримиз. Бу ғамхўрликка Ватанимизнинг эртанги порлоқ келажаги, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йулидаги фидокорона меҳнатларимиз билан жавоб берамиз.

Василахон ТУРСУНОВА,  
2-Фарғона тиббиёт коллежи  
инглиз тили фани ўқитувчиси

### QILMISH-QIDIRMISH

## Ҳужжатсиз телефонлар

2013 йилдан бошлаб пойтахтимиздаги "Малика" савдо мажмуасида ноқонуний телефон савдоси билан шуғулланиб келаётган Р.Иноғомовга (исм-шарифлар ўзгартирилган) таниш-билишлари кўп дакки берди. "Қилаётган ишингни қонунийлаштир, охири вой бўлади" деган маслаҳатлар унга кор қилмади. "Кўза кунда синади" деганларидек, Иноғомовнинг қинғир иши ҳам куни келиб фош этилди.

Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида Р.Иноғомов жиноий шериги Қ.Қурбанов билан биргаликда сифат сертификати, ишлаб чиқариш ёрлиги ва кириш ҳужжатлари мавжуд бўлмаган чет элда ишлаб чиқарилган 8 турдаги жами 47 дона телефон аппарати ҳамда 1 турдаги икки дона планшетни харидор Нуриевага жами 41.957.700 сўмга сотаётганида қўлга туширилди.

Суриштирув ишлари Р.Иноғомов ва унинг шериги Қ.Қурбановларни ноқонуний ишларини тасдиқлади. Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилган сохта тадбиркор катта миқдордаги жарима жазосига тортилди. 41.957.700 сўмлик ноқонуний телефон ва планшет маҳсулотлари давлат эгаллигига ўтказилди.

Мирмуҳсин ЗОИРОВ,  
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти  
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман бўлими катта суриштирувчиси

## Пушаймонликдан не наф?

И.Султонов белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида қатор қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда Яшнобод тумани Нигора 5-тор кўчасида яширин цех ташкил қилди. У ерда дискларга турли мазмундаги кино, мусиқа ва клиплар ёзиб, "Янгиобод" бозорида сотиш билан шуғулланди.

Тайёр ҳолатдаги дискларни бозорда 1200 сўмдан пуллаган дискфуруш фаолияти давомида жами 31 млн. сўм соф фойда кўргани текширув давомида маълум бўлди. Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тадбир Нигора кўчасидаги яширин цехга қаратилди. У ерда диск ёзиш ва кўпайтириш билан боғлиқ ускуналар, компютер, принтер ва турли мазмундаги тайёр дисклар мавжудлиги аниқланиб, улар масала қонуний ҳал бўлунга қадар олиб қўйилди.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган И.Султонов ўзига қўйилган айбга тўлиқ иқроқлигини билдириб, қилмишидан пушаймонлигини билдирди.

Олим НИЗОМОВ,  
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти  
Тошкент шаҳар Юнусобод туман бўлими инспектори



**Ислом  
КАРИМОВ:**

Инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустақкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси бекиёс эканини халқимиз яхши билади ва юксак кадрлайди.

2014 йил биз — 1954/60 йилларда Абу Али ибн Сино номидаги мактабнинг бошланғич синфида ҳамда 1963/64 йилларда Хўжайли туманидаги 54-ўрта мактабда ўқиган 34 нафар ўқувчи учун ажойиб сана ҳисобланади. Чунки, ушбу йил ҳаётга учирма қуш каби қанот қоққан собиқ синфдошлар учун унутилмас воқеа — етуклик аттестати олганимизга эзлик йил тўлди.

Бизлар ўз ҳаёт йўлимиз билан фахрланиб яшаймиз, сабаби ҳар биримиз ҳаётда ўз йўлимизни топдик. Эл-юрт, Ватан равнақи йўлида ҳалол хизмат қилдик, олий ўқув юртида билим олдик ва яхши мутахассисликка эга бўлдик.

Синфдошларимиздан Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Роза Абдурахмонова, Соғлиқни сақлаш аълочиси Турсун Оллоберганова, Қорақалпоғистон Рес-

**Меҳр**

публикасида хизмат кўрсатган маориф ходими Ширин Темирова, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган савдо ходимлари Йўлдош Хўжанов, Йўлдош Ражабов, Баҳовиддин Ҳазратов, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳиби Бозорбой Олламбергеновлар ҳаёти кўпчиликка ўрнак. Синфдошларимиз ичида ўқитувчи, врач, муҳандис каби шарафли касб эгалари бор.

Мана бу йил мустақил Ватанимизнинг 23 йиллик байрамни тантанали нишонладик. Бизнинг камолга эришишимизда устоз ва

мураббийларимизнинг хизматлари катта.

Ўзбек тили ва адабиёти муаллими, филология фанлари номзоди Менглибой Бўронов, синф раҳбаримиз Мақсуд Болтаев, рус тили ва адабиёти муаллими Роза Бекчурина, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳазратов Бекжанов, бошланғич синф ўқитувчимиз, халқ маорифи аълочиси Узоқбой Қутлимуратов каби қатор устоз ва мураббийларимиз номини фахр билан эслаймиз.

Устоз ва мураббийларимизнинг ҳалол меҳнатлари ўз самарасини берган. Ҳозирги кунда собиқ синфдошлар эл ардоғида, ўғил-қизлар, неваралар шурмат-эътиборида мустақил Ватанимизга бўлган фахр туйғуси билан яшаймиз.

**Раҳимжон БОЛТАБОВЕ**  
Қорақалпоғистон Республикаси

**1 октябр —  
Ўқитувчи ва  
мураббийлар кuni**

Амалдаги Соғлом бола йили ҳам "Ўзи-Термиз" филмаларининг етакчи мутахассиси Комил Исмоилов учун мазмунли ўтмоқда, энг муҳими, у алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги фаолияти давомида ҳамкасбларига ҳар томонлама ўрнак кўрсатиб келяпти.

**Юксак  
қобилият  
соҳиби**

Филиалнинг янги ва замонавий технологиялари жорий этилган қайси шохобчаси иш бошласа, албатта, ўша участкага биринчилар қаторида Комил Исмоилов жалб этилади. Таъкиллаш кераки, бундай ишончга лойиқ кўрилиш ҳаммага насиб этавермайди. Дарҳақиқат, бу иқтидорли ходим касбига хос бекиёс маҳорати, давр билан ҳамнафас яшаш борасидаги изланишлари эвазига шундай эътиборга тушган.

Мустақиллик шарофати билан видеоконференциялар йўлга қўйилди. Янгилик қарор топа бошлаган чоғларда пойтахтни Ватанимиз жаҳуби билан боғлаш деярли муаммога айлангани йўқ. Чунки видеоконференцияни узатувчи алоқа воситалари ўрнатиш ва ишлатиш учун филиалга амалий ёрдам кўрсатиш буйича ортиқча ҳаракат қилишга ҳолат қолмади. Барчасини Комил Исмоиловнинг ўзи бинойидек жорий эта билди. Натихада Жанубга қўйилган видеоқўнғироқ юқори сифатли хизмати билан муносиб баҳо олди, филиалнинг бу каби эътирофга лойиқ қирраларини яна санаш мумкин. Қувонарлиси, малакали мутахассис қанчалик муваффақиятга эришаверса, шунчалик зиммасидаги масъулият юки ортиб бораётганини дилдан ҳис этади. Унинг тез-тез ёш кадрлар орасида бўлиши, издошлар билан суҳбатлашишга вақт топиши ҳам ибратта арзигulik фазилатлари сирасига кириди.

— Комилжоннинг шундай мақсадли сай-ҳаракатлари ўз вақтида рағбатлантирилиб бориляпти, — дейди филиал бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси раиси Шерали Юсупов. — Ўз навбатида, унинг тажрибасини кенг ёйишга ҳаракат қиламиз.

Комил Исмоиловнинг яна бир фазилати таҳсинга сазовор: филиал жамоаси иштирокидаги турли талбирларда фаол қатнашиб келади. Айниқса, алоқа корхоналарининг Маънавият ва маърифат хонасида ўтказиладиган машғулотлар чоғи мустақил фикрлаш лаёқатини доимо бойитиб бормоқда. Термиз Давлат университети профессор-ўқитувчилари вилоят Маънавият тарғиботи маркази, Амир Темур жамғармаси вилоят бўлими ходимлари билан бўлаётган давра суҳбатлари катта таассурот қолдирипти.

Лавҳамиз авалида таъкидлаганимиздек, жорий 2014 йил "Ўзи-Термиз" филиали муҳандиси Комил Исмоилов шахсий ҳаётида қувончли воқеаларга бой бўлмоқда. У мамлакатимиз фаол касбдошлари қатори кўриктанловда қатнашиб, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонида "Ўз касбининг моҳир эгаси" дипломи билан тақдирланди. Унга бу эътироф муборак бўлсин!

**Нортожи ЗИЁЕВ,**  
"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги муҳбири

**Устоз**

Сизнинг таълимингиз олмаган ким бор,  
Сиз-ку юракларда илк зий ёққан.  
Олимми, шоирми ва ё санъаткор,  
Илк бор сизга томон устоз деб боққан.



**Барчамизнинг  
мураббийимиз**



**Қутлов!**

...У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ шахримизнинг гарб томонида жойлашган телеинорага катта қизиқиш билан қарар эди. Бу қизиқиш уни 1971 йили Тошкент электротехника алоқа институтига етаклади. 1976 йилда ўқишни тугаллаб, ўзи орзу қилган жойга ишга келди ва ўша кундан эътиборан ишга шўнғиб кетди.

Устоз кўрди, ўқиди, изланди, ўрганди, обрў ортирди, устоз даражасига етди. Ҳозирги кунда қаерга борса ҳурматта, эъзозга эга, "келинг устоз", деб кутиб олувчи шоғирдлари бор. Яқинда Булунгур туманидан Ф.Боймуродов: "бизнинг устоз қандай, салом деб кўясиз", деган бўлса, Учқудуқдан А.Кўзиев, Фиждувондан О.Неъматов, Нуротадан Х.Жонузоқов ва хатирчилик Ф.Избосаровлар "устозимизга самимий саломимизни етказиб, табриклар кўясиз", дейишди.

Маҳмаёқуб ака Болтаев 35 йиллик алоқа соҳасидаги меҳнати эвазига бир неча марта фахрий ёрлиқлар ва "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланган. Устоз 25 йилдан кўпроқ бўлим, цех бошлиғи вазифаларида фаолият юритди, ҳозирда тўрт фарзанд, бир неча набиралар даврасида кексалик гаптини сурмоқда. Иш жойига тез-тез келиб, ўз тажрибаларидан ўртоқлашиб туради.

Биз шоғирдлари қадрли устозимизни гўзал айём — ўқитувчи ва мураббийлар кuni билан сидқидилдан муборакбод этамиз ва у кишига доимо соғлиқ, омонлик, оилавий хотиржамлик ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

**Умар УСМОНОВ,**  
"Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали  
10-боғлама линия-техник цехи бошлиғи

Тошкент ахборот технологиялари университети ходими бўлганимдан доимо фахрланаман. Мен ўз касбимдан ҳеч қачон ор қилмайман, чунки университетимизнинг фахрланса арзуғулук чиройли, озода ва файзли бўлишида биз каби фаррошларнинг ҳам баҳоликудрат ҳиссамиз бор.

Авваллари эрталабдан кечгача тозаласан, супуриб-сидирсанг ҳам кўзга кўринмас, ҳеч ким қилган меҳнатингни қадрламас эди. Ҳозир эса ҳамма шарт-шароитлар етарли. Қувонарлиси шуки, университетда таълим-тарбия, тартиб-интизом яхши йўлга қўйилган. Талабаларнинг меҳнатимизга бўлган муносабати ҳам ижобий томонга ўзгарди. Буларнинг барчаси учун ТАТУ раҳбариятига раҳмат айтаемиз.

Республикамызда 1 октябр — ўқитувчи ва мураббийлар кuni кенг нишонланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Фурсатдан фойдаланиб, университетимизнинг барча устозларини байрам билан табриклар, уларга узоқ умр, сийҳат-саломатлик тилайман. Келажагимиз эгалари бўлган ёшларга таълим-тарбия беришдек савобли ва масъулиятли ишларида омадлар тилайман.

**Мавлуда ҲАКИМОВА**




## “РАДИОЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ” ДУҚ ЖАМОАСИ

Ватанимизнинг барча  
устоз ва мураббийларини  
1 ОКТЯБР, — ҲАҚИТУВЧИ ВА  
МУРАББИЙЛАР КУНИ  
билан табриклайди.



Баркамол авлод тарбияси  
йўлидаги ишларида улкан  
муваффақиятлар тилайди!



## “Ўзбекистон почтаси” АЖ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республикамиз  
ўқитувчи ва мураббийларини  
яқинлашайтган  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ БИЛАН  
муборакбод этади.



Азиз устозлар!  
Фидойи фарзандлар  
тарбиялашдек  
олижаноб  
ишларингизда  
муваффақият  
ёр бўлсин!

# Китоб ҳаят буюк кун

“Болалар китоби” фестивали Навоий вилоятида кўтаринки руҳда ўтказилди

Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят матбуот ва ахборот, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, АКМ, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси вилоят бўлимлари ҳамда вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида “Соғлом бола йили Давлат дастури” доирасида “Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги” шиори остида “Болалар китоби” фестивали ташкил этилди. Китоб фестивалининг тантанали очилиш маросимида вилоят марказидаги касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицей ва мактаб ўқувчилари, маҳаллалардаги китобхона иштирок этиди.

Байрамга таклиф этилган фахрий меҳмонлар ташкилотчилар билан биргаликда кўргазмалар билан танишдилар. Янги китоб маҳсулотлари тақдими, китоб муаллифлари билан учрашув, маҳаллий ижодкорлар билан давра суҳбатлари ҳам фестивал доирасидан ўрин олди. “Китоб — миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси” мавзuidaги семинар ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Тадбир иштирокчилари ўз мулоҳазаларини мамнуният билан изҳор этидилар:

— Мен Навоий индустриал-иқтисодиёт коллежи 1-босқич ўқувчисиман, — дейди Анвар Сайдуллаев, — Бугун китоб фестивалида иштирок этаётганимдан жуда хурсандман. Китоб инсонни эзгуликка етакловчи йўлчи юлдуз, десак муболаға бўлмайди. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи меннинг энг сеvimли китобим. Бу китобни ўқиб ҳаётда дуч келаятган барча саволларга жавоб топаман. Бу тарихий асарда давлатчилик санъати, меҳр-муҳаббат сир-синаоти, инсоний фазилатлар, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўз аксини топган.

— Мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари, мустақил фикрлашлари учун яратилган яна бир муҳим тадбирлардан бири деб баҳолаш мумкин бугунги фестивални, — дейди “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали касаба уюшма кўмитаси раиси Муҳаббат Норкулова. — Ёшларимиз бу имкониятлардан фойдаланишлари, юксак билим чуққиларини эгаллашлари керак. Йигирма биринчи аср ёшлари чинакам бахтиёр ёшлар. Уларга ҳавасим келади.

“Болалар китоби” фестивали давомида вилоят ахборот-кутубхона марказидаги жараёни кузатар эканмиз, қалбимизни ёшларнинг жушқинлиги, билимга чанқоқлиги, ижодкорлиги, ташаббускорлиги тўлқинлантирди. АКМнинг ёшлар билан ишлашда маъ-

навият ва маърифат секторининг етакчи кутубхоначиси Фароғат Раҳматованинг ёнига кутубхонага аъзо бўлиш истагида келган ёшларни кўриб қувондик. “Ҳозирча аъзоларимиз сони мингга яқин. Қатновимиз эса 8000 дан зиёд, — дейди Ф.Раҳматова. — Аъзоларимиз сони ҳар кун ортиб бормоқда. Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари зиё масканига кўпроқ ташриф буюрапти. Шунинг учун ҳам Меҳрибонлик уйида кўчма кутубхона ташкил этиш ниятидамиз. Яқин кунларда бу ниятимизни амалга ошираемиз”.

Марказнинг ҳар бир бўлимида ҳаёт қизгин. Ҳуқуқий адабиётларни саралаётган ҳуқуқ бўлими мутахассиси Муборак Каримова ҳам ёшларнинг саволларига жавоб беришдан чарчамайди. Болаларнинг қизиқишлари, орзу-истаклари, дунёни билишга интилишлари юксаклиги нақадар мароқли.

Хуллас, вилоят ахборот-кутубхона марказида бугунги кунда амалга оширилаётган барча хайрли тадбирлар замонавий ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш асосида олиб борилаётганлиги таваққур чирого ҳеч қачон ўчмаслигидан, истиқлол ёшларининг қалбини китоб ҳамisha нурафшон этишидан далолат бериб турибди.

Маруся ҲОСИЛОВА,  
“Хабар”нинг Навоий вилоятидаги  
мухбири

## Меҳр ёритган йўллар

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида журналист Муҳаббат Отамирзаева таваллудининг 50 йиллигига бағишланган “Меҳр ёритган йўллар” мавзuida учрашув ўтказилди.

“Андижоннома” газетаси бош муҳаррири, журналистнинг устозларидан Абдумутал Абдуллаев сўзга чиқиб, Муҳаббат Отамирзаеванинг фидойи қалам соҳибига, ўз касбига садоқатли жонқуяр журналист эканлиги, унинг ижодий фаолияти, ёшларга ўрнак бўлган фазилатлари ҳақида тўхталиб, инсон маънавий ҳаётида ҳам амалий ҳаётдагидек, кимки билимга таянсагина камол топиши ва ютуқларга эришиши ҳақида гапирди.

Шунингдек, шоир Абдуғулом Абдуғани, журналистлар Раъно Ҳайитбоева, Маҳлиёхон Отамирзаева ва бошқалар Муҳаббат Отамирзаевани кутлуг ёши билан табриклар, ижодига баркамоллик тилашди.

Тадбир доирасида ташкил этилган “Матбуот ва маърифат фидойиси” мавзuidaги кўргазма тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Н. ҚИЛИЧЕВА,  
АКМ ахборот-библиография  
бўлими сектор мудири



2014-yil 26-sentabr, 39 (1149)-son

ДУШАНБА — 29 СЕНТЯБР

**О'қибат**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
7.00 "Ғаройиб шарҳара". Х/ф.  
7.20 "Иқлим".  
7.25 Миллий сериал: "Орзулар фасли".  
8.00 "Тахлилнома".  
8.40 "Қариб ҳаваси". Х/ф.  
9.30 "Кўнгил ободлиги".  
9.50 "Юртим таровати".  
10.00 "Тонги газета". Т/с.  
10.45 "Икки дўст". М/с.  
11.00 "Ахборот".  
11.10 "Ватанпарвар".  
11.55 "Иқлим".  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
13.00 "Мен ва У.". **Б/ф.**  
13.25 "Хотира юки". Теленовелла.  
13.40 "Юрган - дарё".  
14.00 "Ахборот".  
14.15 "Зиё" студияси: "Этиқдор мустақамлиги йўлида".  
14.35 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".  
15.05 "Иқлим".  
15.10 "Қишлоқ ҳаёти".  
15.30 "Ҳаёт". Х/ф.  
15.55 "Билимдон". Интеллектуал тавол.  
17.00 "Ахборот".  
17.10 "Эркин фикр".  
17.20 "Иқлим".  
17.25 "Агроолам".  
17.40 "Қорачик".  
18.00 "Кўнгил қўшиқ истайди".

18.10 "Чашмалар".  
18.25 "Меҳр истаб". Т/с.  
19.00 "Нигоҳ".  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 "Ахборот"/рус/.  
20.05 Миллий сериал: "Опа - сингиллар". 2-Фасл.  
21.00 "Ахборот".  
21.40 "Муносабат".  
22.20 "Кўнгил қўшиқ истайди".  
22.30 - 23.55 "Устоз Рон Кларк".  
**Б/ф.**  
23.55 "Чашмалар".  
00.10 "Агроолам".  
00.25 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".  
1.00 "Ахборот"/рус/.  
1.30 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".  
2.00 "Шарқ тараоналари".  
2.15 ТелеТеатр: "Тақдир". 1-қисм.  
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
4.00 "Ахборот".  
4.40 Миллий сериал: "Орзулар фасли".  
5.10 "Юрган - дарё".  
5.30 - 5.55 "Қишлоқ ҳаёти".

**О'қибат**

6.00 "Ватан меҳри".  
6.10 "Тараним".  
7.00 "Мультипанорама".  
7.50 "Ёшлик наволари".  
8.00 "Кечиккан ҳаёт". **Б/ф.**  
9.30 "Зар замин".  
9.50 "UzEX".  
10.00 "Қамолот-инфо".

**О'қибат**

10.10 "Қайтар дунё". Т/с.  
11.00 "Ҳаёт гузал".  
11.30 "Сехрли қўллар".  
12.00 "Қасоскор замин". Т/с.  
12.50 "UzEX".  
13.00 "Давр".  
13.10 "Елғор". Т/с.  
13.50 "Имкон-шоу".  
14.40 "Театр ва ёшлар".  
15.00 "Мўжизавий дунё".  
15.50 "UzEX".  
16.00 "Давр".  
16.10 "Сехрли тош". Т/с.  
17.00 "Қамолот-инфо".  
17.10 "Автопатруль".  
17.30 "Ихорсиз муҳаббат".  
**Б/ф.**  
1-қисм.  
18.50 "Телетуҳфа".  
19.00 "Давр".  
19.30 "Ишқ жодуси". Т/с.  
20.20 "Устозлик баҳти".  
20.30 "Суз ёшларга".  
21.00 "Ёшлик наволари".  
21.10 "Қасоскор замин". Т/с.  
22.00 "Давр".  
22.30 "Оқуёқ изқувар". Т/с.  
00.00 "Зар замин".  
00.20 "Ҳаёт гузал".  
00.50 "Имкон-шоу".  
1.30 "Соғлом оила - соғлом бола".  
2.00 "Мўжизавий дунё".  
2.50 "Театр ва ёшлар".  
3.10 "Автопатруль".  
3.30 "Суз ёшларга".  
4.00 "Ҳаёт музикаси".  
5.30-6.00 "Давр".

**О'қибат**

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"  
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 "Роуахт".  
6.25 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".  
7.00 "Тошкент вақти".  
7.50 "Соз сеҳри".  
7.55 "Бизнинг даҳолар".  
8.25 Тошкент тараоналари.  
8.35 "Пойтахт-эко".  
8.45 "Фан ва тараққиёт".  
9.05 "Элиза". Т/с.  
9.50 "Роуахт спорт".  
10.00, 14.00, 22.00 "Пойтахт". /рус тилида/.  
10.20 "Один прекрасный день".  
**Б/ф.** /рус тилида/.  
11.45 "Қонун доирасида".  
12.10 "Всё о туризме".  
12.40 "Холис назар".  
13.00 "Тошкент вақти".  
13.50 "Роуахт-репортаж".  
14.10 "Дунё" теледастури.  
15.00 "Роуахт-biznes".  
15.10 "Ўғай она". Т/с.  
16.10 "Нофелет қардаш?" **Б/ф.**  
17.30 "Миттвойлар оиласи".  
17.50 "Ҳумога".  
18.25 "Ўзбегим рақслари".  
18.35 "Роуахт-интервью".  
18.45 "Элиза". Т/с. /Премьера/

19.30 Тошкент тараоналари.  
19.40 "Теле-маркет".  
19.50 "Бизнинг даҳолар".  
19.55 "Навой маҳзани".  
20.25 "Ўғай она". Т/с. /Премьера/.  
21.15 "Пойтахт йўлларида".  
21.35 "Роуахт-эко".  
21.45 "Теле-маркет".  
21.55 "Пойтахт-шаҳарлар".  
22.20 "Только после вас".  
**Б/ф.** /рус тилида/.  
00.05 "Всё о туризме".  
00.35 "Пойтахт йўлларида".  
1.00 "Роуахт-эко".  
1.10 "Пустыни". Х/ф. /рус тилида/.  
2.20 "Будутлаги саргузаштлар".  
**Б/ф.**  
4.00 "Тошкент вақти".  
4.50 "Дунё" теледастури.

рейтинглар.  
12.00 "SPORT-EXPRESS".  
13.00 "Спорт сайёраси".  
13.20 АНОНС.  
13.25 "Эйтироф".  
13.35, Техно -спорт".  
13.55 АНОНС.  
14.00 ХАБАРЛАР.  
14.15 "Sport ensiklopediya".  
14.20 "РЕПОРТАЖ. ИНЧЕОН-2014".  
16.20 АНОНС.  
16.25 Теннис АТР/ВТА турнири.  
17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 "Болалар спорти".  
18.25 "Спорт-превью".  
18.30 ХАБАРЛАР.  
18.50 АНОНС.  
18.55 "РЕПОРТАЖ. ИНЧЕОН-2014".  
20.30 "СПОРТ-МАРКЕТ".  
20.35 "Футбол шарҳи".  
21.25 "Sport rekordlari".  
21.30 ХАБАРЛАР.  
21.50 АНОНС.  
21.55 "РЕПОРТАЖ. ИНЧЕОН-2014".  
00.00 АНОНС.  
00.05 Профессионал бокс.  
00.55 "Sport ensiklopediya".  
1.00 ХАБАРЛАР.  
1.20 АНОНС.  
1.25 ИНТЕРФУТБОЛ.  
3.05 Волейбол. Жаҳон чемпионати.  
4.15 АНОНС.  
4.20 - 5.50 Теннис АТР/ВТА турнири.

**О'қибат**

6.00 "Хайри тонг!"  
6.05 Кўрсатувлар тартиби.  
6.10 "Қорақалпоқ спорти".  
6.25 Тонги гимнастика.  
6.35 "Маҳорат мактаби".  
6.55 "Sport rekordlari".  
7.00 "SPORT-EXPRESS".  
8.00 ХАБАРЛАР.  
8.30 АНОНС.  
8.35 Автоматоспорт.  
9.25 "Репортаж келаси".  
9.55 "РЕПОРТАЖ. ИНЧЕОН-2014".  
11.55 Рақамлар, натижалар,

**О'қибат**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
7.00 "Ғаройиб шарҳара". Х/ф.  
7.20 "Иқлим".  
7.25 Миллий сериал: "Орзулар фасли".  
8.00 "Ахборот".  
8.40 "Қариб ҳаваси". Х/ф.  
9.30 "Эркин фикр".  
9.40 "Агроолам".  
10.00 "Тонги газета". Т/с.  
10.45 "Икки дўст". М/с.  
11.00 "Ахборот".  
11.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".  
11.55 "Иқлим".  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
13.00 "Одил суд".  
13.45 "Қандай гузал бу дунё".  
14.00 "Ахборот".  
14.15 "Менинг боғим".  
14.35 Миллий сериал: "Аммажоним-аммажон".  
15.05 "Кўрганларимиз ҳақида".  
15.30 "Ҳаёт". Х/ф.  
16.00 "Тезкор хабарлар".  
16.10 "Ўзбек амалий санъати".  
16.30 "Ахборот", /инглиз/.  
16.40 "Қорачик".  
17.00 "Ахборот".  
17.10 "Қуналарнинг бирида".  
17.25 "Қонун - устувор".  
17.45 2014 йил - "Соғлом бола йили". "Соғлом келажак".  
18.00 "Кўнгил қўшиқ истайди".

18.10 "Парламент вақти".  
18.30 "Хоразм: Маъмур академияси".  
18.40 "Иқлим".  
18.45 "Меҳр истаб". Т/с.  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 "Ахборот"/рус/.  
20.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".  
21.00 "Ахборот".  
21.40 "Байрамнингиз муборак, азиз устоз ва мураббийлар!".  
23.40 - 00.00 "Менинг боғим".  
00.00 "Ўзбек амалий санъати".  
00.15 "Иқлим".  
00.20 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".  
1.00 "Ахборот"/рус/.  
1.30 Миллий сериал: "Аммажоним - аммажон".  
2.00 "Шарқ тараоналари".  
2.15 ТелеТеатр: "Тақдир". 2-қисм.  
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
4.00 "Ахборот".  
